

# ЖАЛД СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 23 декабрь  
Чоршанба  
Сотувда эркин нархда  
№ 251 (2032)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Олий Мажлис сессияси олдидан

## МАҲАЛЛА — МИЛЛАТИМИЗ ТИМСОЛИ

Эртага ўзини бошлайдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги ўн учинчи сессияси кун тартибидан «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳаси ҳам ўрин олади. Ҳў, бу Қонуннинг янги таҳририда тўғрисидаги сабаблари нимада? Бунга қандай эҳтиёж туғилди? Мухбиримиз парламентимиз Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нуриддин ИСМОИЛОВга шу каби саволлар билан мувожабат этди.

— Давлатчилик тарихидан маълумки, жамият тарққиб-ти қўп жиҳатдан бошқарув тизимининг самардорлигига боғлиқ, — деди, жумладан, Н. Исмоилов. — Биласиз, ҳозирда турли мамлакатларда бошқаруving турлича усуллари бор. Бу жараён, табиийки, ўша мамлакат ҳалқининг урф-одатлари, анъаналари ва давлатчилик тарихига боғлиқ ҳолда кечади. Модомки шундай экан, маҳалла биз учун бошқаруvingнинг энг одил ва ноёб усулидир. У бизнинг бирлигимиз ва барқарорлигимизнинг асосий гаровидир. Маҳалла бундан ташқари, миллатимиз тимсоли. Қолаверса, фарзандларимизда Ватан, миллат деган тushунчалар, энг аввало, маҳаллада шаклланади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз қисқа вақт ичида бу борда бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилди. Шулардан бири — бу 1993 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонундир. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, оқсоқоллар ва маслаҳатчиларни сайлаш тартиби, уларнинг ваколатлари каби кўпгина қондалар ўз аксини топди. Аммо орандан ўтган беш йил мобайнида ҳаётимизда катта ўзгариш ва янгиланган содир бўлди. Натижлада ушбу Қонунга ўзгариш киритиш ва уни тўларидиша эҳтиёж сезилди. Аини пайтда мазкур ҳужжатнинг янги таҳриридаги лойиҳаси таяёрланди.

У ҳажм жиҳатидан амалдаги Қонунга нисбатан бирмунча катта. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тushунчаси, унинг ҳуқуқи ва бу ҳуқуқни қай тартибда амалда ошириш механизмлари кўрсатилган. Шунингдек, лойиҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари ҳақида алоҳида модала бўлиб, шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳаллаларни ташкил этиш, бирлаштириш, ажратиш, қисқартириш қандай амалда оширилиши ҳам ёритилган.

— Нуриддин ака, айтингчи, ушбу янги қонун лойиҳаси амалдаги Қонундан асосан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади? — Биргина мисол. Амалдаги Қонунда ўзини ўзи бошқаришнинг фақат бир органи: фуқароларнинг йигини (оқсоқол) кўзда тутилган эди. Янги лойиҳада эса, фуқаролар ўзини ўзи бошқаришнинг бир қанча янги органларини жорий этиш кўзда тутилган. Чўки давр бутун шиддат билан ўзгармоқда. У барчамизга янги-янги вазифалар юкляпти. Шунинг учун лойиҳада фуқаролар йигини, Кенгаши, ревизия, маъмурий комиссиялар каби бир қатор органлар фаолият юритиши белгилаган.

Янги таҳрирдаги лойиҳани яна бир муҳим жиҳати шунаки, унда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилди. Яъни, мазкур органлар давлат ҳокимияти органлари тизимидан ажратилганлиги махусе модалда аке ёттирилиб, шаҳарча, қишлоқ, овуллар ва улар таркибиди маҳаллалар ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари алоҳида-алоҳида модалларда баён этилди.

— Агар адлшмасам, Фуқаролик кодекс, Оила кодекс, «Нотариат тўғрисида»ги Қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда давлат номидан амалга ошириладиган қатор ваколатлар оқсоқолларга юклятилган эди. Янги ҳужжатда бу ўз аксини топганими?

— Тўғри эсдатдингиз, ушбу лойиҳанинг 14-модаласида раис (оқсоқол)лар қайси давлат ваколатларини амалга ошириши мумкинлиги алоҳида белгилаб қўйилди. — Тахририятимизга баъзи ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурда маъмурий комиссиялар тузилмагани, тузилганлари эса талаб даражасида фаолият кўрсатмаётганлиги, натижада булар жойларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга салбий таъсир кўрсатмаётганлиги хусусида хат-барлар келиб тушибди.

— Биласизми, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексда бир қатор маъмурий ҳуқуқбузарлик борасидаги ишлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурдаги маъмурий комиссиялар томонидан қўриб чиқилиши кўзда тутилган. Лекин амалдаги Қонунда бундай комиссия ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Бунинг сабаби ана шунда. Шу боз янги лойиҳада бундай комиссиялар қарларда ва қай тартибда тузилиши кўрсатиб берилди. Бундан ташқари, лойиҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз ҳудудларида жойлашган ташкилот, корхона ва муассасаларнинг раҳбарларини ободонлаштириш масалаларидаги ҳисоботларини тинглаш, фуқаролар йигинининг ўз маб-лағаларини ташкил қилиш, ундан фойдаланиш ва тасаруф этиш, ўз вақили орқали тегишли туман комиссияси ишида ер бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш сингари янги ваколатлар бериш ҳам назарда тутилмоқда.

— Сизнингча, ушбу янги лойиҳанинг ҳаётимиздаги ижтимоий аҳамияти нимадан иборат? — Президентимиз одил фуқаролик жамияти куриш асосий вазифаларимиздан бири эканлигини қўп бор талкиладмоқдалар. Фуқаролик жамиятида фуқаролар ўша жамиятнинг фаол яратувчиси, муҳими, бошқарувчиси айланадилар. Унда марказий ҳокимият мудофаа, давлат ва фуқароларнинг ҳаёфсизлиги, ташқи сийбат, валюта-нолиги, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа умум-миллий аҳамиятдаги страте-гик вазифаларини бажарса, бошқа масалалар аста-секин-ки билан жойларга, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши лозим. Парламентимиз мувокамага биринчи ўқишда киритилган ушбу ҳужжат фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада оширишга, давлат органлари фаолияти устидан жамоат назоратини ўрнатишга, аҳолининг давлат ва жамоат ишларида иштирокини кенгайтиришга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳаси ушбу Қонуннинг амалда янада самаралироқ ишлашига қўмак беради, деб умид қиламиз.

«Халқ сўзи» мухбири Фурқат САНАЕВ сўзбатлашди.

## ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИДА

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакат парламентидаги фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлисининг XIII сессияси мувокамасига киритилиши мўлжалланган ҳужжатлар юзасидан фракция нуктаси назарини ишлаб чиқиш ҳақидаги масала кўрилди. Бу ҳақда фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов маъруза қилди. Шунингдек, йиғилишда республика молия вазири Р. Азимовнинг бўлажак сессия кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б. Шодиева, Бош вазир ўринбосари Д. Ғуломов иштирок этди.

Шу кунги «Ватан тараққийи» партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракциясининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси мувокамасига киритилган масалалар юзасидан фракция раиси А. Турсунов маъруза қилди.

Йиғилишда Парламентимизнинг навбатдаги сессиясида қўриб чиқиладиган қонун лойиҳалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида мулоҳазалар айтилди. Республика молия вазири Р. Азимов, депутат А. Йўлдошев ва бошқалар бюджет лойиҳаси ҳақида сессия кун тартибига киритилган қатор қонун лойиҳалари ҳақида фикр билдирилди.

Йиғилишда партиянинг 1999 йилдаги вазифалари белгилаб олинди.

## ФИЛДИРАГИ ҲАМ ҲИММИЗДАН



«Фаргона механика заводи» ҳиссасдорлик жамиятидан хушхабар келди. Бу ерда «Дамас» микроавтобуси ҳамда «Тико» ва «Нексия» энгил автомобиллари учун дисклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур линия жиҳозлари Голландиянинг «Фонтан» ва Италиянинг «Эмануэль» фирмалари ёрдамида ўрнатилган бўлса, бундан ташқари Германиянинг «Айзенманн» фирмасидан келтирилган. Жамият ишчилари бу соҳа бўйича хориждан иш ўргини қайтишди. Янги линия бир йилда 1 миллион 50 минг донга автомобиль диски ишлаб чиқариш қувватига эга.

репортаж

СУРАТЛАРДА: корхона цехидан лавҳалар. Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАЛАРИДА

Кеча Олий Мажлис Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни қўмита раиси Анвар Йўлдошев олиб борди.

Йиғилишда «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолияти кафолатлари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Реклама тўғрисида»ги қонун лойиҳалари мувокама этилди.

Шунингдек, айрим қонунчилик актларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Йиғилишда қўмитанинг 1999 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланиб, мувокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Буритшо Шодиева иштирок этди.

Маълумки, парламентнинг бу галги сессияси кун тартибидан ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий соҳаларга тегишли бир қанча муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ўрин олган.

Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилишида ана шу соҳага доир қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Уни қўмита раиси Нуриддин Исмоилов олиб борди. Қўмита аъзолари сессия мувокамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги (янги таҳрир-»

да, «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги, «Ҳўжа-лик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ҳақида тўхталиб, уларни сессия мувокамасига тасвир этилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси суд ислохотини янада ривожлантириш дастурининг қандай ба-жарилаётганлиги ҳақидаги масала хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда мувокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитасининг йиғилишида Олий Мажлис XIII сессияси мувокамасига ратификация учун киритилган халқаро конвенциялар ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Уни қўмита раиси Эркин Воҳидов бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистонда наркотик воситалар ва психотроп модалларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш бўйича халқаро конвенциялар таллабларига риоя этилишининг ишчи гуруҳи томонидан текшириш натижалари бўйича қўмита йиғилиши қарорини тасдиқлашга ҳам келишиб олинди.

Қўмита йиғилиши қатнашчилари икки сессия оралиғида амалга оширилган ишлар ҳақида узаро фикр алмашдилар.

22 декабрь кун Олий Мажлис Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлди. Уни қўмита раисининг ўринбосари Пиримқул Қодиров олиб борди.

Йиғилишда «Эл-юрт ҳурмати» орденининг тавсифига

та котиби Т. Усмонов қисқача кириш сўзи билан очиб, сессия кун тартибига киритилган масалалар ҳақида фикр билдириди.

Мажлисада Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой кодекси» (иккинчи ўқишда), «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги (биринчи ўқишда), шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари мувокама қилинди. Мувокама иштирок этган қўмита аъзолари ушбу қонун лойиҳаларининг долзарблиги, муҳим ижтимоий-собеий аҳамиятини талкилаб, уларни маъқулладилар.

Мажлисада, шунингдек, қўмитанинг 1998 йилги йиғилишидаги қўмита қилинган ҳамда келгуси йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилишида «Реклама тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг (иккинчи ўқишда) булажак сессия мувокамасига киритиш ҳақидаги масала кўрилди. Қўмита раиси Уткир Ҳошимов шу масала юзасидан ахборот берди. Қонун лойиҳаси сессиядан сессиягача бўлган вақт мобайнида кенг омма ўртасида мувокама этилганлиги, қайта ишланганлиги, деярли барча оммавий ахборот воситаларида фуқаролар, мутахассислар ҳамда депутатларнинг таъкидфу мулоҳазаларининг ўз-қилинганлиги талкиланди.

Сўнгра мазкур қўмитанинг 1998 йилдаги фаолияти ақуларни ҳамда 1999 йилга мўлжалланган иш режаси кўриб чиқилди. Бу ҳақда ҳисобот тингланб, маъқуланди.

Кеча Олий Мажлисининг Қўриқлиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитаси аъзолари ҳам сессиядаги мажлисга тўлландилар. Уни ушбу қўми-

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАФИШЛАНДИ

Навоийда вилот тиббиёт ходимлари фаолиятининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилотда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳоли ва соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури лойиҳаси мувокама этилди. Йиғилишда вилот ҳокими Ф. Диллов бошқарди.

Таъкидландики, республика-миз тиббиёт тизимига тўб ислохотлар жараёни амалга оширилмоқда, қишлоқ аҳоли-сига малакани тиббий хизмат кўрсатиш даражаси орттиб бормоқда. Навоий вилотида ҳам бу йил 12 та қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Аналиқ ва болалик-

## Ўзбекистоннинг спорт делегацияси XIII Осие ўйинлари ўтган Бангкокдан қайтиб келди.

Тошкент аэропортида спортчилари-мизмиз Ўзбекистон тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, пойтахтимиз жамоатчи-лиги вакиллари кутиб олдилар.

XIII Осие ўйинларида ўзбекистонлик боксчилар ажайиб галабага эришди-лар, ўн спортчида тўққиз нафари ўз вази тонафасида медалларга сазовор бўди-лар. Руслан Чагаев, Му-хаммадқодир Абдуллаев ва

## СПОРТ ОЛДИНДА — СИДНЕЙ

Сергей Михайлов ўйин-голиби унвоми ва олтин медалларни қўлга киритдилар. Боксчилар мамлакатимиз спортчилари делегацияси-га 4 та кумуш ва 2 та бронза медалини келтирдилар.

XIII Осие ўйинлари яку-нида Ўзбекистонда хизмат, кўрсатган мураббий Маъ-мур Рўзиевнинг эркин ку-раш билан шуғуллаувици шогирдлари ҳам муваффа-қиятлик беллашдилар. Улар уч кумуш ва бир бронза медалини қўлга киритди-лар. Спортнинг 23 тури бўйича мусобадада қатна-шган Ўзбекистон делегация-си 42 мамлакатдан келган спортчилар билан осон бўлмаган беллашувда энг кучли ўналик қаторидан жой олди ва 6 та олтин, 22 та кумуш ва 12 бронза медал — жами 40 та ме-далга олишга муваффақ бўлди.

Ёрқул УМАР, ЎЗА мухбири.

(ЎЗА)

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲИММИЗДА

Биринчи чакриққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 24 декабрь кун соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-сининг мажлислар залида очилди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 23 декабрь кун соат 9 дан соат 18 га қалар ва 24 декабрь кун соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис биносига рўйхатта олинди.

## Сиесий партиялар депутатлар фракциялари ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки таркибига кирувчи Олий Мажлис депутатлари диққатига

23 декабрь кун «Адолат» социал-демократик партиясининг фракцияси Тошкент давлат юридик институтининг залида соат 9.30 да, ҳокимият вакил-лик органларидан сайланган депутатлар блокунинг йиғилиши эса Олий Маж-лис биносига соат 16 да бошланди.

Яқинда Америкадан келган олимлар билан суҳбатлашиб ўтирган вақтимизда гапдан-гап чиқиб, уй-жой масаласи кўтарилди. Бизда кўп қаватли уйлардаги хонадонларнинг аксарияти, бир қаватли уйларнинг ҳаммаси аҳолининг шахсий мулк эканлигини айтишнинг асоси, улар бироз ажабланиб, «Нима, сизларда ҳар бир оила бемалол шахсий квартирага сотиб олишга қодирми? АҚШда аҳолининг кўpchилиги ижарага олинган уйларда яшайди. Шахсий уй сотиб олишга ҳамнинг ҳам қурби етмайди. Бизда уйларнинг нархи жуда қimmat», — дейишди.

Дарҳақиқат, дунёдаги давлатларнинг аксариятида аҳолини уй-жой билан таъминлаш ниҳоятда мушкул муаммо ҳисобланади. Ижарада яшайдиган олимлар даромадларининг 40-50 фоизини янада ҳақиқатда давлат ҳисобидан уй-жой қуриб бериш таърибаси деярли қўлланмайди.

Муастакилликка эришганимиздан сўнг бизда мулкни ҳаққини эгасига бериш, мулкдорлар синфини шакллантириш мақсадида иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналари билан бир қаторда уй-жой фондини ҳусеийлаштириш ишлари кенг қўлама амалга оширилди. Натияжада давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки давлат уй-жой фондининг 95 фоизидан зиёددроғ фуқароларнинг ҳусеий мулкка айланди. Ҳар 3 квартиранинг биттиси эгаларига имтиёзли равишда ёки бепул берилди. Уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ҳамда илмий ходимлар, ижодий зиёдилар квартираларнинг бепул эгалари бўлишди.

Маълумки, республикамизда аҳоли тез суръатлар билан ўсмоқда. Уй-жойга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шу боис иқтисодий тарафдан зарур инвестицион лойиҳаларни амалга оширишга катта миқдорда молиявий маблағлар талаб қилинаётганлиги қарамасдан, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ислохотларининг диққат марказида турибди. Биргина Тошкент шаҳрида ўтган йили ва 1998 йилнинг 10 ойи мобайнида қўлаб эски уйлар бўзилиб, аҳолига 2 мингдан зиёд янги квартира, 400 дан ортиқ яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари текинга берилди. Буларнинг ҳаммаси бизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шаклланиётганидан далолат беради.

Аҳолининг турар жой шароитларини яхшилаш, уй-жойни шахсий мулк қилиб сотиб олишни ижтимоий қаролатлаш ва бу бордаги ҳуқуқларини кенгайтириш, фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг банд бўлмаган маблағларини уй-жой қурилишига жалб этишни рағбатлантириш мақсадида 1996 йил 31 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳридаги уй-жой қурилишини давлат томонидан қўлаб-қувватлашни қўлайитириш тўғрисида» Фармони ва ўша йилнинг 8 февралда Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент уй-жой жамғарма банк» давлат акционерлик уй-жой жамғарма банкни ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» қарори қабул қилинди.

Бу ҳужжатларга биноан, Тошкент шаҳрида давлат акционерлик уй-жой жамғарма банкни («Тошкент уй-жой жамғарма банк») ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Уй-жой қурилишини пул билан таъминлашга фуқаролар ва юридик шахсларнинг эркин маблағларини тўплаш, уларнинг буюртмалари асосида уй-жой қуриш, маблағларини махсус уй-жой сўда жамғарма ҳисобварақларида жамғариш, узоқ муддатли кредитлар бериш, номлари қўрашнинг уй-жой облигацияларини муомалага чиқариш асосий вазифалари этиб белгиланди.

Жисмоний шахслар «Уй-жой жамғарма банк»нинг уй-жой облигациялари бўлиб сотиб оладиган уй қиймати 30 фоизи давлат бюджетидан қўлаб-қувватланади. Улар сотиб олиш тахмин қилинаётган уй қийматининг камидан 20 фоиз миқдорда пул маблағи тўплагандан кейингина шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлади. Жисмоний шахсларга

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

диб топширилмапти. 1997 йилда Тошкент шаҳрида режалаштирилган 1902 та квартирандан атиги 1096 таси қуриб битказилган. Жорий йилда ҳам вазият яхши томонга ўзгаргани йўқ. Муҳалланган 2058 та квартирандан ўтган 10 ойда 714 таси фойдаланишга топширилган, ҳоло бу йил ҳам режаланиб бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолди.

Мижозлар билан банк ўртасидаги шартнома муносабатлари ўрганиб чиқилганда, қатор жиддий камчиликлар борлиги очилиб қолди. Масалан, фуқаро Ш. Солихова 1997 йил 14 май кунини жамғарма ҳисоб рақами очиб унинг арзишга эга банк билан шартнома тузган. Пул жамғармаси зарур бўлган дастлабки бадал миқдори (уй қийматининг 20 фоизи) етмасдан, мижозга хонадон бирикти-

ва 6-хонадонлари учун эса 7 ва 10 февраль кунлари 9 ойга шартнома тузишнинг қандай ислоҳаси бўлади?

Бизнинг фикримизча, унинг асосий сабабларидан бири ҳуқуқат қарорининг 8-бандида «Уй-жой жамғарма банк»ка Молия вазирлиги, Макроиқтисодий ва статистика вазирлиги, «Давархитекстқурилиш» кўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда номи ёзилган уй-жой облигациялари бўйича сотиб олинган квартиралар қиймати уй-жойларнинг қавати, тури ва жойлашши урнига қўра табақалаштириш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклатилганлиги қарамасдан, тартиб фақат 14 ой ўтгандан кейин тасдиқланган.

Мезбёр йўқлигининг йўқлиги туфайли банкнинг Тошкент шаҳар

Фуқаролар уй-жойларини шартномада кўрсатилган муддатда ололмаганлари учун, банкдан жарима талаб қилиб ёган мурожаатларига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Берилган аризалар тўлиқ рўйхатда олинмаган. Олинганлари ҳам 2 та журналда тарқоқ ҳолда сақланмоқда. Аризаларнинг аксариятига оғзаки жавоб бериш билан чекланган. Жами 140 та ариза қайд қилинган бўлиб, шундан фақат 20 нафар фуқарога жарима тўланган. Молия вазирлигининг тақдирномасига қўра, 10 нафар фуқарога ҳам жарима ақрилган. Айрим фуқароларга уй топширилмасда, жарима тўланган ҳоллари аниқланди.


Тошкент шаҳрида мазкур банк томонидан қурилатган уйларга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Шу кунларда 2000 йилги дастурга киритилган уйларга жамғарма ҳисобварағи очиб унинг аризалар тўшмоқда. 1998 йил 1 сентябрь ҳолатига қўра, 4100 та ариза рўйхатга олинган. Шундан 1656 нафар фуқаро билан кредит шартномаси тўзилган. Нимагадир уй-жой қийматининг 20 фоизини тўлаган 374 нафар мижоз билан шартнома тўзилмаган. Улардан 121 таси дастлабки бадални тўлиқ тўлаганларига бир ярим йилдан ошиб кетган. Ушбу ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида «Уй-жой жамғарма банк» Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи З. Тўйчиевдан рўйхатни қўрашнинг сўраганимизда, у «Банк ва банк фаолияти тўғрисида» Қўрага асосан кўрсатолмайман», — деди. Ваҳоланки, Қўранинг 38-моддасида: «Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг мижозлари ва вакилларининг банк операциялари, ҳисобварақлари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт», — дейилган. Қўранинг турибдики, Қўрада квартира оловчилар рўйхати ҳақида гап бораётгани йўқ. Бундай ҳолларда сир тутиш эмас, балки ошқорчилик ишга насл келтиради, адолат мезонини бузишнинг қаролатлашлайди.

Бизнинг фикримизча, банк уй-жой олиш учун ҳисобварағини очган ва етарли туркум облигацияларга эга бўлган фуқароларнинг набатта қўйишининг ягона тартибини ишлаб чиқса, фойдалан оло бўлмас эди. Ҳўласа қилиб айтадиган бўлиб, «Уй-жой жамғарма банк» тизими фаолиятидаги бир хил камчиликлар аҳолини уй-жой билан таъминлашни яхшилаш ва қўлаб-қувватлашга қаратилган давлат сийосатининг тўлиқ уқлабмаслигига, фуқароларнинг ҳуқуқларини менимаслиқка, таниш-билишчилик, оғса-оғайнигарчилик иллатларининг кенг илдиз отишига олиб келиши мумкин.

Мана, муастакилликка эришганимизга ҳам 7 йилдан ошди. Утган қисқа вақт ичида, ҳеч бир мулоғатсиз айтишимиз мумкинки, юртимизда олашмуул ўзгаришлар тез берилди. Энг аввало, одамлар, уларнинг тафаккури, дунёқараши, ўзаро муносабатлари ўзгариш. Халқимизда келажакка, адолатли демократик жамият қуришга ишонч кун сайин муастакланмоқда.

Бундай шароитда қабул қилинган қўра, фуқаролар, ҳуқуқат қарорлари талабларини оғшамай бажаришимиз, уларга тўлиқ амал қилишимиз, ислохотлар тамойилларининг тўб моҳияти инсон манфаатларига қаратилганлигини тўғри тушуниб етишимиз, ҳар ишда, ҳар соҳада ижтимоий адолат ўрнатилишимиз лозим. Шу ҳақиқатни ҳар бир фуқаро, авваломбард, ҳар бир раҳбар ўз иш фаолиятида қўра қилиб олиши шарт!

**Авазжон СОДИҚОВ, Бахтиёр РАВШАНОВ.**



Фўрақат туманидаги «Ишонч» ҳиссадорлик жамияти ишчи талоли пахтани қайта ишлашга ихтисослашган. Бундан бир неча йил аввал бу ердаги иш мақтанлари даражада эмасди. Аини пайтда жамият қаддини ростилай бошлагани кўзатишмоқда. Бунга сабаб шуки, тадбиркорлар красноярский ҳамкорлар билан ишни давр талаблари асосида ташкил этишмоқда. Бунинг натижасида маҳаллий аҳолидан яна 500 нафари иш билан таъминланди. СУРАТДА: ҳиссадорлик жамияти раиси Бойирижон Тўйчиев Красноярский келган вакил Заур Дўжониев билан гапдаги режалар ҳақида гаплашмоқда. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

**КИМГА БИР КУНДА, КИМГА МИНГ КУНДА**

Сизга қайсиниси насиб этиши «Уй-жой жамғарма банк»нинг Тошкент шаҳар бўлимига боғлиқ

уй-жой қийматининг қолган қисмига йиллик фойз ставкасини 20 фоиздан оширмасдан, 10 йил муддатда кредит берилди. Бундай имтиёз ва қўлайликлардан халқимиз кенг фойдаланмоқда. Қисқа вақт ичида Тошкентда ўтказилган таъриба узини тўлиқ оқлади.

Шуларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентини 1997 йил 24 мартда «Ўзбекистон Республикасининг уй-жой қурилишида ислохотларни қўқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармон ва унинг ижроси бўйича 1997 йил 22 июлда Вазирлар Маҳкамаси «Уй-жой қурилишини давлат томонидан қўлаб-қувватлашни қўлайитириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорга асосан, аҳолининг уй-жой шароитларини янада яхшилаш, уларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш бўйича Тошкент шаҳрида тўпланган таъриба республиканинг бошқа шаҳарларида ҳам кенг қўлама бошланди. Ҳозир республикамизнинг барча вилоятларида «Уй-жой жамғарма банк»нинг 25 та бўлими маси ишлаб турибди. 1998 йилда улар томонидан 2414 та квартира қурилиши мўлжалланган. Уларнинг 80 фоиздан ортиғи Тошкент шаҳрида барпо этилиши керак.

Ҳўш, инсонга гамқўрлик руҳи билан сўғорилган ана шу Фармон ва қарор талаблари қандай бажарилмоқда? Бу саволга жавоб топшиш мақсадида «Уй-жой жамғарма банк»нинг Тошкент шаҳар бўлими иш фаолияти билан танишиб чиқдик. Қисқа муддатда қўра қўриларни анчагина ишлар қилган. Лекин фуқаролар эътирозига сабаб бўлаётган бир қатор камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Баъзи ҳолларда оддий «техник хат», хизматчиларнинг эътиборсизлигидек бўлиб қўриган нуқсонлар замирида таъмирларик, мамыриятилик каби иллатлар яширинган.

Айниқса, инвестиция дастурига киритилган уйлар ўз вақтида қури-

риб қўйилган. Худди шундай «имтиёз»дан А. Абдуқўдров ҳам бемалол фойдаланган («Мухор» кўчаси, 9-уй, 23-хонадон).

Фуқаро Б. Ҳакимов Чилонзор туманидан квартира олиш мақсадида ариза берган ва 1997 йил 12 августда ҳисобварағи очилган. Уша йилнинг 27 ноябрь ҳолатига қўра, пул жамғармаси квартира қийматининг 20 фоизига етган. Лекин шу вақтгача ушбу туманда тайёр уй йўқлиги баҳона қилиниб, квартира берилмаган. Ваҳоланки, «Чилонзор-1» мавзеси, 21-«А»-уйнинг ҳужжатлари билан таъинишганимизда, 14-хонадон учун уй-жой жамғарма варақаси 1998 йил 29 май кунини, кредит шартномаси 7 августда тузилгани аниқланди. 19-хонадон эса Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бошқармасига 29 май кунини сотиб юборилган.

Адолатсизлиқни қаранг: кимдир пулини тўлаб қўйиб, бир йил ичида ҳам уй оломай сарсон бўлиб юрса, бошқа биров бир кун ҳам кутмасдан, уй олиб кетса? Бунинг замирида нима ётгани фақат банк мамыриятига эди.

Ҳуқуқат қароридан уй-жойларни шартнома тузилгандан сўнг 6 ой мобайнида мижозларга топширилган шартлиги қўрашнинг. Лекин банк мижозлар билан тузган шартномаларда бу муддатни 9-11 ой қилиб белгиламоқда. Устига устак, бир вақтинг уй-жой сотиб олиш шартномасида турли муддатлар кўрсатилмоқда. Бу ҳолат мабодо уй ўз вақтида топширилмас, бир хил шароитда тузилган шартномалар бўйича мижозларга турли миқдорда жарима тўлашга тўри келади. Масалан, 1997 йил 11 февраль кунини «Чилонзор-2» мавзеси, 19-уйнинг 32-хонадонини учун Н. Тожибоева билан 9 оя, Б. Имомов билан эса 11 ояга шартнома тузилган (26-хонадон). Еки бўлмас, шу йилнинг 15 ва 18-хонадонлари учун 6 ва 10 февраль кунлари 11 ой муддатда, 17

бўлимида хонадонларнинг қаватига қўра кўлаш коэффициентини асосан қўлаш натижасида 54 нафар фуқародан 5,8 миллион сўм йиғиб олинган. Тўпланган пул маблағлари уй-жой олиш учун фуқаролар билан кредит шартномаси тузилгандан сўнг ҳам уларнинг ҳисоб рақамларида 1 ойдан 12 ойгача ноқонуний ушлаб турилган.

Фақатгина «Уй-жой жамғарма банк» Тошкент шаҳар бўлимининг 1998 йил 22 июнь фармойишига асосан, қўлаш коэффициенти қўлабмаслиқ ва олдин қўлаш натижасида олинган пул маблағлари фуқароларнинг банк қарзларини узиш ҳисобига ўтказилган. Лекин ушбу пуллар ноқонуний ушлаб турилганлиги учун, фуқароларга фойзалар тўланмаган (Фуқароларга қолдиқ, 327-модда).

Вазирлар Маҳкамаси қарориде белгиланган тартибга қўра, шартномада кўрсатилган муддатларда уй-жой берилмаган тақрида банк мижозларга муддатли ўтган ҳар бир кун учун облигациялар туркуми қийматининг 0,5 фоизи миқдориде жарима тўлаши шарт. Ўз навбатида уй шартномада белгиланган вақтда топширилмас, банк бош пудратчидам муддатли ўтган ҳар бир кун учун уй-жой учун тузилган шартнома қийматининг 0,1 фоизи миқдориде жарима ундириб олиши керак. Лекин бу механизм ҳам яхши ишламапти.

Уй-жойларнинг асосий қисми шартномада белгиланган муддатларда топширилмаётганлиги учун, банк томонидан бош пудратчидам ундириб олиниши шарт бўлган жарималар миқдори тобора ортиб бормоқда. Банк 103 та уй қурилишини молиялаштирган бўлса, шундан 60 таси шартномада кўрсатилган муддатда топширилмаган. Бунинг оқибатида пудратчилардан ундирилган лозим бўлган жарималарнинг миқдори 470,6 миллион сўмга етган. Амалда унинг атиги 5,3 миллион сўми ундирилган, холос.

**ХАБАРЛАР + ХАБАРЛАР + ХАБАРЛАР**

**ИЛМИЙ АНЖУМАН**

Ўзбекистон Бодий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ўзининг 70 йиллик юбилейини илмий-ламоқда. Ушбу санага бағишлаб матбуот конференцияси ҳамда «Миллий ислоҳот ва санъат» мавзюда илмий анжуман бўлиб ўтди. Йилгида институтнинг таниқли олимлари илм дараҳи тарихи ва Ватан муастаклиги йилларидаги фаолияти ҳақида илмий маъруза қилдилар. Институтида ҳозирги кунда «Кино ва телевидение», «Театр ва хореография», «Меморик», «Маданиятшунослик», «Амалий ва тасвирий санъат», «Фольклор ва элмоавий муслиқ», «Санъат тарихи» бўлимлари илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Тадқиқотчилар томонидан олиб борилаётган ҳуқуқ ишларини туфайли санъат соҳасида Ўзбекистон утмиши ва келажига ҳақида турли янги маълумотлар ҳамда тафсилотлар очиб берилмоқда. Шу кунларда институт тафсилот тасвирий ва амалий санъат кўрағамаси намойиш қилинапти. Дилором КЕНЖАБОВА.

**ҲУҚУҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР**

Бугун ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини, масъулият ва бурчларини билиши, Конституциямиз ва қўрауларимизга қатъий риоя этиши шарт. Республикка «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этган «Ҳуқуқий қадриятларимизни биламизми?» талоқи шу жамияти билан эътиборли. Бунда Тошкент давлат университети, иқтисодиёт, педагогика университети ва ҳақида молия, юридик институтларнинг биттадан энг иқтидорли талабалари куч синишди. Тошкент архитектура ва қурилиш институти талоқида Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳкуми садолари олиб бошланган бу талоқида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тарихий аҳамияти, унинг боғлари, унда фуқароларнинг бурчи ва вазифалари, миллий байронимиз, тамғамиз моҳияти очиб берилди. Талоқида Адиля вазирлиги ҳақорлик қилиб ва биринчи, иккинчи ва учинчи уринини олган талабаларни Фахрий ериқ ва соғелар билан тақдирлади. Бу бешлашуда Тошкент юридик институти талабаси Иштиёр Беков талоқи чиқди. Ёшлар ўртасидаги бундай мувоақалар, шўбха йўқли, иштиқоқ юварини амалга ошириш, янгица фикрлар, янги жамият қуриш ишига ҳисса қўшади. Чунки ҳуқуқий қадриятларсиз ҳуқуқий давлат қуриб бўлмайди. Зийда ҒАФФОРОВА, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг етакчи мутахассиси.

**АНДИЖОНДА СЕМИНАР**

Андижон шаҳрида БМТнинг «Гендер ва тараққийёт» бюроси, «Аёл ва жамияти» институти, республика «Камолот» жамғармаси томонидан хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, алоят ёшлари иштирокида «Демократик жамиятда аёлларнинг сиёсий лидерлиги», «Ўзбекистон сайловлар арафасида» мавзюда семинар ўтказилди. Семинар давомида демократик асосда сайловлар ўтказиш тартиблари, уларда аёллар ва ёшларнинг иштироки қандай бўлиши масалалари муҳокама этилди, тренинглар ўтказилиб, сайловларга жавоблар берилди. Семинар сўнгида ҳамма иштирокчиларга «Гендер ва тараққийёт» бюроси сертификатлари таъширилди. Ўз мухбиримиз.

**Йил якунлари 40 МИЛЛИОН СЎМ СОФ ФОЙДА**



Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа ҳўжалиги аъзолари жорий йилни ана шундай қувончли натижалар билан якунламоқдалар. Бунга эса ер, сув ва техникадан унумай фойдаланиш эвазига эришилади. Ғалла ва пахтани давлатта сотиш режалари ортири билан адо этилди.

Сиз суратда кўриб турган иссиқхона бундан икки йил муқаддам қаровсиз аҳволада эди. Ҳўжалик бошқаруви ва жамоа аъзолари билан ўзаро маслаҳатлашган ҳолда уни қўшни ҳўжаликдан сотиб олишиб, қайта таъмирландилар. Биринчи йили лимондан олинган ҳўси 6 тонна тош босган бўлса, иккинчи йили бу кўрсаткич 20 тоннани ташкил этди. «Иш билан

«Имконият излайди», — дейди доно халқимиз. Халқободлик меҳнатқашлар ҳам излаиб, меҳнат унумдорлигининг янги имкониятларини топмоқдалар. **И. ХўЖАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.**

**Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида бўлиб ўтган семинар-кенгашда Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқлари асосида солиқ тизими ҳодимларининг вазифалари муҳокама қилинди. Шунингдек, Президентнинг «М.Я. Куроловни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан овоз қилиш тўғрисида»ги Фармони ва «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, мотам ма-**

росимларни ўтказишда исрофгарчилик ва дабдабозликка йўл қўймаслиқ тўғрисида»ги Фармонини бажаришга доир вазифалар қуриб чиқилди. Семинар-кенгашда Қорақалпоғистон, республика вилоятлари ва Тошкент шаҳри солиқ хизматларининг раҳбарлари ҳамда ташқилий-қадрлар билан ишлаш бўлимиларининг бошқилари иштирок этди. Семинар-кенгашда мамлакат раҳбарияти солиқ хизмати ҳодим-

**СОЛИҚ ХИЗМАТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

лари зиммасига катта масъулият оқлагани, шу сабабли тизим иш самардорлигини ошириш, солиқ соҳасидаги амалдаги қўраулар сўзиз бажарилишига эришиш, давлат бюджетига маблағнинг ўз вақтида тушушини таъминлаш талаб қилиниши таъкидланди. Аини пайтда қадрлар билан ишлашга, уларни танлаш ва тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. (ЎЗА)

**ХОРАЗМ ДАЛАРИДА**

**ҲАР БИР ИШНИНГ ЭРТАСИ ЯХШИ**

ли ҳашарот — габробраканин кучи катта. Лекин уни сўнгги чора сифатида қўлаш мақсадга мувофиқ. Ҳашаротлар хуружининг олдини олиш юзасидан барвақт қўрилган тадбирлар ўз самараларини берди. Ҳали экинш бешла-ламасидан ҳўжалиқнинг бошлар зараркундаларининг нишонларидан деярли тозаланиб бўлди. Бу майдонларга деҳқонлар ишонч билан бараклар уруғи қадаша киришдилар.

Биофабрика нафақат жамоани, балки туманидаги Паҳлавон Маҳмуд номи, Бобожон Нуруллаев номи, «Хива», ал-Хоразмий номи жамоа ҳўжалиқларини ҳам ўз маҳсулотлари билан тўла таъминлаб турди. Улар ҳам зараркундаларга қарши қураиш тадбирларини барвақт бажардилар. Таърибали деҳқонлар дала-ларда зарарли ҳашаротларнинг қўлайиб кетишини кўп жиҳатдан эканини ноғури еки керагидан ортиқ сўғориш, ҳаддан зиёд ёғингарчилик оқибатлари

билан боғлашади. Аинан шу сўғориш масалаларига жамоа ҳўжалигида эътибор ва назорат бутун йил давомида сувайтирилмади. «Ўзанин «томоғи» шуларга туриши керак, — деб ҳўсблайди қирқ йиллик деҳқончилик таърибасига эга бўлган Абдулла Имомов. — Агар у ортиқча сувдан буй қўзиб кетса, охир-оқибатда пахтакорнинг «буйи эглишига» сабаб бўлади. Шу боис ҳам ҳўжалик аъзолари тик бўйлари йил охирида эглиб қолмаслиги учун астойдил меҳнат қилиши.

Яна бир муҳим жиҳат. Мана, ун йилдан зиёд вақтдан бўён жамоа ҳўжалиги зарарли химикатлардан мулқоқ фойдаланмайди. Бу, авваломбард, аҳолининг соғлиқ-саломатлигига эътибор. Қўлаверса, катта чиқимдан халос бўлиш. Ҳўжалик ерлари асосан оғир туپроқли. Яъни бу туپроқ маҳаллий ва минерал ўғитлар билан тўйинтириб туриши, сўғориш сифатлиги ўтказишни талаб қилади. Шу сабабли ўғитни меъёрида, сувни вақтида бериш юзасидан амалий тадбирлар экинш оқилдан ҳам, парварниш вақтида ҳам қўналик назорат остида бўлади. Албатта, йиғим-терим — ҳал қилувчи маъсум. Ҳўжаликда эса мажбул 20 дан зиёд трактор ва 50 телерак зарур пайтда 4 фоизга яқин пахтани пешма-пеш қабул пунктига ташиб турди. — Агар ҳар чаноқда бир чигит қўлиб кетса, гектарига 3 центнердан пахта йўқотилади, — дейди бригада бошлиғи Нурмамат Салоен. — Шу сабабли пахтани чаноғида қолдирмай териш ҳамқишлоқларимизга эсо олади. У бошлиқ бригада аъзолари шартнома режаларини барвақт бажариб, 40 центнерлик ҳўси қўрибди. Қаримбой Отажонов. Заримбой Вансов бошлиқ пудратчилар ҳам юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Йил бошдан қилинган фидокорона меҳнат натижасида жамоа ҳўжалиги вилонда олдингилар қатори пахта тайёрлаш шартномаси шартларини ошириб уқладди. Давлатта 2600 тоннадан зиёд ҳамашё топширилди. Ҳўсдорлик 30 центнердан зиёд бўлди. Бугдой, шолни, картошка етиштириш юзасидан таърибалар ҳам бойитилди. Улардан келган даромад ҳўжалик ҳисобига катта фойда бўлиб қўшилди. Утган йилни жамоа ҳўжалиги 5 миллион сўм соф даромад билан якунлаган эди. Бу йилги мулжал эса, 15 миллион сўм. Аинча мушкул келган шубу йилда ҳам жамоа аъзолари муваффақиятларини муастаккамлашининг муҳим омилларини излаб топа олдилар. — Бобоқалонимиз Отажоннинг 190 йилги ишон-ланданидан келуси йилга тайёрлик ишлари ҳам қўзғин, — дейди жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат қўраётган қишлоқ ҳўжалиги ҳодими Отаназор Пирназоров. Ҳа, ҳар бир ишнинг эртаси яхши-да. Отақий номи жамоа ҳўжалиги аъзоларининг ҳар бир ишга эрталоқ кириши фазилатлари бугун кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Сотим АВАЗ.

# ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК ВА ЎРТА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ  
МИЛЛИЙ БАНКИ**

**ЕТБ ВА ОТБ КРЕДИТ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲИСОБИДАН  
ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА КРЕДИТЛАР БЕРАДИ**

**БАНК МУТАХАССИСЛАРИ ЛОЙИХАЛАР ЮЗАСИДАН, ҲУЖЖАТЛАРНИ  
ТЎҒРИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЎЗ МАСЛАҲАТЛАРИ  
БИЛАН ЁРДАМ КЎРСАТАДИЛАР**

**«Ўзмиллийбанк» танлов эълон қилади ва намунавий лойиҳаларнинг  
қуйидаги турларини таклиф этади:**

- Германиянинг "Thissen" фирмаси ишлаб чиқарган кичик завод кунига 2500 литр сутни қайта ишлаб, сут маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган. Бу кичик заводни сотиб олиш учун 200 минг АҚШ доллари миқдоридан кредит берилди.

**Буюртмачи олдида қўйиладиган асосий талаблар**

Молиявий талаблар:

ўз сармоясига (кўчмас мулк, хомашё, материаллар) \$ 66.666,  
жумладан, пул маблағлари \$ 10.400 (Марказий банк курси бўйича сўмда)

Техник талаблар:

ишлаб чиқариш майдони ер, 200 м<sup>2</sup>  
электр қуввати 25 кВт

Асосий хомашё

сут (ёғлилиги 3,8%) кунига 2500-3000 л

- Германиянинг "Thissen" фирмаси ишлаб чиқарган машина-ускуналар кунига 5 тонна хомашё (олма, нок ва ҳ.к.)ни қайта ишлаб, мева шарбатлари тайёрлашга мўлжалланган. Бундай машина-ускуналарни сотиб олиш учун 246.700 АҚШ доллари миқдоридан кредит берилди.

**Буюртмачи олдида қўйиладиган асосий талаблар**

Молиявий талаблар:

ўз сармоясига (кўчмас мулк, хомашё, материаллар) \$ 131.000,  
жумладан, пул маблағлари \$ 28.000 (Марказий банк курси бўйича сўмда)

Техник талаблар:

ишлаб чиқариш майдони ер, 200 м<sup>2</sup>  
электр қуввати 50 кВт

Асосий хомашё

мевалар (олма, нок ва ҳ.к.) кунига 5 тонна

**Танловда қатнашиш истагини билдирганлар қуйидаги  
ҳужжатларни тақдим этиши керак:**

- тўлдирилган тендер буюртманомаси (ТБ1 шакл);
- лойиҳанинг иштирокчи шарт-шароитига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган техник-иқтисодий асосномаси;
- кредит миқдорининг камида 120%га тенг қийматдаги гаров таъминоти тўғрисида маълумот;
- танлов иштирокчиси ёки лойиҳа ҳомийларининг 3 йил учун чоракма-чорак тузилган бухгалтерия ҳисоботлари (1,2,5-шакллар), шунингдек, уларнинг бизнес-режалари. Мазкур бизнес-режаларда иштирокчининг лойиҳани молиялаш учун етарли ўз сармоясига борлиги тасдиқланган бўлиши, агар маблағ етарли бўлмаса, иштирокчининг сармоясига етмаётган сумма қўшилгани тўғрисида «Бизнес-фонд» берган ҳужжат тақдим этилиши зарур;
- танлов иштирокчисининг таъсис шартномасидан ва уставидан олинган нусха;
- маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ва материаллар етказиб бериш ҳамда тайёрланган маҳсулотни сотиш тўғрисидаги ниятлар баённомаси, шунингдек, муфассал маркетинг тадқиқотлари;
- янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун лойиҳанинг барча ўлчамларига мос келадиган бино ҳамда уни реконструкциялаш учун маблағлар борлиги тўғрисида муфассал маълумот;
- танлов комиссияси ҳисобварағига 10 минг сўм қўйилганини тасдиқловчи ҳужжат ёки ана шу суммага банк берган кафолатнома нусхаси.

**Агар Сизда ана  
шу лойиҳаларни амалга  
оширишга қизиқиш  
уйғонган бўлса,  
қуйидаги манзилларга  
муурожаат қилинг:**

**Намунавий лойиҳаларни  
Сизнинг шароитингизга  
мослаштириш масалалари  
бўйича**

«Ўзинвестлоиҳа» РИКнинг Мониторинг

бошқармасига

700000, Пушкин кўчаси, 88

тел.: (371) 133-63-43,

68-53-24, 68-52-36

факс: (371) 120-66-41 ёки

Компаниянинг ҳар қандай бўлимига

**Танлов шартлари ва тендер  
буюртмаларини қабул  
қилиш бўйича**

«Ўзмиллийбанк» Лойиҳаларни  
молиялаш марказининг Кичик ва ўрта  
бизнес лойиҳаларини молиялаш  
бошқармасига

700084, Амир Темур кўчаси, 101,

тел.: (371) 137-59-47, 137-62-73,

137-62-74, 137-62-75,

факс (371) 34-04-53 ёки банкнинг

исталган бўлими

ва филиалига

**Танловда қатнашишга  
тайёргарлик кўришда ёрдам  
олиш учун**

жойлардаги Товар ишлаб  
чиқарувчилар ва тадбиркорлар  
палаталари ҳамда Деҳқон ва фермер  
хўжаликлари вилоят уюшмаларига.

**N B U**

Саховат САВОБ ИШЛАР КЎПАЯВЕРСИН

«Бой бойга боқар, сув сойга оқар» деган мақол эскириб қолгандай, назаримда. Мустақил юртимизда ўзига тўқ оилалар ноҳор хонадонларга қумлашаётган, соғ одамлар беморлар ҳолидан хабар олаётгани, савоб ишга қўл ураётган ҳомий ташкилотлар куйиб бораётгани шундан далолат.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 27 ноябрь сониди бир гуруҳ савобатчи олимларнинг мақтуби эълон қилинди.

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 27 ноябрь сониди бир гуруҳ савобатчи олимларнинг мақтуби эълон қилинди. Бу жуда ўз вақтида кўтарилган масала. Ҳамма номли театрнинг ташкил топган кун 1914 йилнинг 27 февраль ойидан саналиши кераклигини бир неча йил бурун қамани «Ўзбек театри тарихи» китобида ҳам исботлашга ҳаракат қилган эдим.

АКС САДО

идан бошланади, деган мулоҳазалар ўртага ташланган. Куриниб турибдики, бу масалага аниқлик киритишнинг вақти келди.

ҲАҚИҚАТНИ ТИКЛАЙЛИК

«Падаркуш» драмси саҳнага қўйилди. Халқ ниҳоят кўп келиб, билет етишмаган ва жой йўқлигидан уч-тўрт юз киши қайтиб кетди.

АСОСЛИ ТАКЛИФ

Маълумки, биринчи ўзбек ёзма пьесаси 1911 йилда М. Бехбудий томонидан ёзилиб, 1913 йилда чоп этилган. Бироқ ҳаваскорлар труппалари ундан олдинроқ пайдо бўлган.

Бўлимлар

- Иктымий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳужж — 136-07-94; Иқтисодий — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.



ҚАРШИ ЗАРДУЗЛИГИ
Аслида бухороликлар зардушлик соҳасида маълум ва машҳур. Лекин кейинги йилларда зардушликка Қарши шаҳрида ҳам катта эътибор берилмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Ноширлик

МАЪНАВИЙ БОЙЛИК ДАРГОҲИ

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб маънавият масаласига катта эътибор бериб келинмоқда. Чунинчи, 1996 йил 9 сентябрда Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЎГАЙ МАКТАБ

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 9 йиллик 3-сон таълим мактаби биносини қўриган одам шундай ҳайратга тушадики, буни сўз билан ифода қилиш мумкин эмас.

«УЎЗБЕК КЎЛПУЗЛАРИ»

Пул-буом хайрия лотереясининг тиражи
Мирзо Улугбек таваллудининг 605 йиллиги муносабати билан 1999 йил 22-23 март кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади

«Халқ сўзи» мухбири

Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА сўхбатлашди.
Тошкентдаги ОМБОРХОНАДАН ЕВРОПА ВА АМЕРИКАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ЖИҲОЗЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ияхом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси Олий Мажлис депутати, қўмита аъзоси Т. Холтоевага вилдаи муҳтарамлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди жамоаси Наманган вилояти ҳужалик судининг раиси Муслимхўжа Муҳиддиновга отаси

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: М. ЕГОРОВ (масъул котиб) — «Народное слово», А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.
БЎЛИМЛАР:
Иктымий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳужж — 136-07-94; Иқтисодий — 136-36-65; Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85; Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0608, 27517 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета PENTIUM-II компьютер териди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — И. ҲАМРАЕВ. Навбатчи — А. МАДАТОВ. Мусаҳҳих — Ш. МАШРАББОВ.
• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тахрирда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.30
1 2 3 4 5 6